



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2021-yil 15-oktabr / № 42 (4649)

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Мамлакатимизда давлат тилини тўла-тўқис жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги бошқичларини белгилаш янги Ўзбекистон шароитида муҳим аҳамият касб этаётир.

МИЛЛАТНИНГ ЎЛМАС РУҲИ

Айни пайтда дунёда олти мингдан зиёд миллат ва элатларнинг жонли тили мавжуд бўлиб, қирқта тилгина мукамал шакланган грамматикага эга экан. Улар ичида ўзбек тили ҳам бор. Ҳозирги вақтда Ер юзидида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони эллик миллион кишини ташкил этиши унинг дунёдаги йирик тиллардан бири эканидан далolat.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғат-ит-турк" китобида 7500дан ортиқ туркий сўз ва иборалар изоҳланган. Тилимизни Хоразмда Қутб Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний, Раббузий, Мовароуннаҳрда Сақокий, Ҳиндистонда Ҳофиз Хоразмий, Озарбайжонда Насимий ва Ҳоқоний қўллаган ҳамда бойитган.

Алишер Навоий адабий тилимизнинг шухратини шу қадар баланд кўтардики, тилимиз довури оламга ёйилди. Жаҳон тилшунос олимлари дунё миқёсида эътироф этилган энг улуғ ижодкорларнинг сўз бойликлари бўйича тадқиқот ўтказиб, қуйидаги натижани қайд этган. Бунга бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмақдурмиз. Тилимизнинг ярмига араб, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмақдурмиз... Зиғир ёғи солуб мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур", дея тили бузиш, бошқа тил сўзларини қўшиб гапириш, соф тилда сўзлашишни унутиш хусусида қайғуриб гапирган эди. Бу фикрлар айни кунда янада долзарбашмоқда. Хусусан, ёшларимизнинг ўзбек тилига хоржий сўзларни қўшиб гапириши ўта салбий ҳолатдир.

Таъкидлаш жоизки, миллий тилни бузиб гапириш, унга ҳурматсизлик қилиш буюк мутафаккирларимизни ҳам ташвишга солган. Абдулла Авлоний: "Миллий тилни йўқотмак миллат руҳини йўқотмақдур. Ҳайҳот! Биз туркистондилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва йўқотмақдурмиз. Тилимизнинг ярмига араб, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмақдурмиз... Зиғир ёғи солуб мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур", дея тили бузиш, бошқа тил сўзларини қўшиб гапириш, соф тилда сўзлашишни унутиш хусусида қайғуриб гапирган эди. Бу фикрлар айни кунда янада долзарбашмоқда. Хусусан, ёшларимизнинг ўзбек тилига хоржий сўзларни қўшиб гапириши ўта салбий ҳолатдир.

Марҳабо ПАРДАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Бухоро вилояти бўлими раҳбари



Фарғона вилояти Фарғона тумани Саткак маҳалласидаги Валиевлар хонадони 6 нафар етим болани ўз қарамоғига олди.

МЕҲР МАНЗИЛИ

Бундан уч йил муқаддам оила етим болаларни қарамоғига олиш учун мутасадди идораларга бир неча марта мурожаат қилган. Лекин ўша пайтда айрим сабабларга кўра бу иш амалга ошмаган эди. Оиланинг 4 фарзанди қаторига эндиликда 6 бола қўшилди, хонадонда жами 10 нафар бола тарбияланмоқда. Оила бошлиғи Набижон Валиев тадбиркорлик билан шуғулланади. Турмуш ўртоғи Зиёдахон Валиева эса Фарғона шаҳридаги 4-мактабда директор ўринбосари лавозимида ишлайди.

— Ўзимизнинг икки ўғил ва икки қизимиз бор. Аёлим билан яна икки ёки уч нафар бола асраб олиш ҳақида маслаҳат қилиб юрардик.

Фарзандларимизга қўшиб Меҳрибонлик уйи болаларидан тарбиялашни ният қилгандик. Меҳрибонлик уйларидаги болаларга васийлик қилиш Миллий гвардияга топширилганини эшитиб, бола асраб олиш учун Миллий гвардиянинг вилоят бошқармасига мурожаат қилдик. Шундан сўнг Марғилон шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйидан 6 нафар (3 ўғил, 3 қиз) чин етим болани фарзандликка олдик. Икки гектар еримиз бор ва у ерда боғ бунёд этганмиз. Боғдаги олма, уриклар ҳосилга кирди. Болалар улғайса, мана шу боғ ўрнида иморатлар солиб, уларни уй-жойли қиламиз деб режа туздик. — дейди оила бошлиғи Набижон Валиев.

ОНА ТИЛИМ

Қат-қатингда кўринур феълим,
Юрагимсан, қалбим ва дилим.
Бирлаштиринг, халқ бўлди элим,
Ота тилим, о, Она тилим!

Билга қоғон ҳайқириғи сен,
Қошғарийнинг чақириғи сен,
Тенгрикутнинг адл туғи сен,
Она тилим — ягона тилим!

Сенда сурон солмишди Темур,
Сенда собит қолмишди Темур,
Бир сўз-ла юрт олмишди Темур,
Она тилим — мардона тилим!

Тойғоқ, Араб-Ажамдан то Чин
Қанот ёйдинг мисоли лочин.
Хуросонда очдинг қулочинг,
Она тилим — дурдона тилим!

Алишернинг илкида чечак,
Кимга меҳнат, кимгадир эмгак.
Шайбонийдан армонли эртақ,
Она тилим — афсона тилим!

Ўралтовлар қайраган тилим,
Ҳинди элда яйраган тилим,
Сандувочлар сайраган тилим,
Она тилим — мастона тилим!

Соғинганлар сени деб адо,
Видоларда берурсан садо.
Яши сўзсан, мен сенга гадо,
Она тилим — шохона тилим!

Гулистон МАТЁКУБОВА,
Қорақалпоғистон халқ шоири

САДОҚАТИ

Бунчалар беғубор, юртим, тонларинг,
Ҳар кўча, ҳар дарахт файзли, ораста.
Янги замон завқи — ҳаёт бонглари,
Шавқ ила шижоат дилга пайваста.

Мен овоз бераман доно халқ учун,
Ватан тақдирида барқ урар бахти.
Мен овоз бераман, овозим кучи
Бирлаштиргай халқнинг юракда аҳдин.

Садоқат учундир менинг овозим,
Авлод-ажодларим ҳикматларидан.
Жасорат учундир менинг овозим,
Мен танлаган номзод қудратларидан.

Бағрикенглик учун овоз бераман,
Дўстлик, бирадорлик, сарҳадларидан.
Мангу тинчлик учун овоз бераман,
Эл-тинчлиги ҳалол меҳнатларидан.

Овозим жаҳонга кўз-кўз қилади,
Янги Ўзбекистон келбатларини.
Сомон йўлларига юлдуз илади,
Ошириб Ватан шон-шухратларини.

Мен овоз бераман, ҳар янги куннинг,
Асрга тенг кучли қадамлари деб.
Мен овоз бераман азиз юртимнинг,
Омон бўлсин азиз одамлари деб.

Менинг овозимда муҳаббат яшар,
Юртимнинг, халқимнинг раҳномасига.
Пайғамбарларини сийлаган башар,
Ҳавас қилсин овозим садосига.

Менинг овозимда ойдин келажак,
Узоқ авлодларга салом йўллайди.
Менинг овозимда энг олий тилақ,
Олий тилақларни Оллоҳ қўллайди.

Сахар, тонларингда бахт балқар тақроп,
Мангу сақла сулув кўркамлигингни.
Овозимда юртим раҳномаси бор,
Сақлар ҳар қадамнинг шаҳдамлигини.

Овозим Ватанга садоқат эрур,
Овозим ишончдир, овозим меҳр.
Менинг овозимга қўшилиб турур,
Келажаги буюк озод, ҳур умр.

Овозим Ватанга садоқат эрур...

ВАТАНПАРВАРЛИК СОҒЛОМ

ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Тиббиёт фанлари доктори, профессор
Жуманазар БЕКНАЗАР билан суҳбат



80 нанометр. Нанометр эса бир метрнинг миллиарддан бир сантиметрига тенг. Тасаввур қилинг, бир миллилитр океан сувида 250 миллион вирус бор. Бир чой қошиқ денгиз сувида 1 миллионгача вирус мавжуд. Инсон танасининг ташқи ва ички аъзоларида 30-40 триллион микроорганизмлар яшайди. Уларнинг тўқсон фоизи бактерия, қолгани эса вируслар. Аслида Ер юзи вирусларга тегишли ва улар инсондан олдин пайдо бўлган.

Христофор Колумб Американи кашф этди. Унинг экспедицияси олиб борган касалликлар, жумладан, чечак касалидан маҳаллий аҳолининг 70 фоизи нобуд бўлди. Бу эса европаликларга туб аҳолини осон бўйсундириш имконини яратди. Чечак касали туфайли Англия қироличаси Мария II, Франция қироли Людовик XV, Япониянинг уч императори ҳаёт билан видолашган. Қора чечак пандемияси XIV асрда Европа ва Жанубий Осиё худудларида тарқалиб, 30 миллиондан ортиқ одамнинг ёстигини қуритган.

Чечак вирусини бартараф этувчи воқеа 1796 йил 14 майда содир бўлди. Эдвард Женнер шу кунни сигир соғувчининг билан чечакдан ҳосил бўлган пуфакча суюқлигини саккиз ёшли боланинг билак терисига тирнаб киритди. Бола чечак билан оғримди. Бу тиббиёт тарихидаги илк эмлаш эди. Аслида ҳам "вакцина" сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, "сигир" маъносини англатади.

— Дунё COVID-19 билан бирга яшаётганига кўп бўлмади. Унинг оқибатлари нуқтаи назардан эса, шубҳасиз, жуда кўп бўлди. Таассуфки, бу бало юртимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Нима деб ўйлайсиз, кўзгаям кўринмайдиган бу зарра улкан оламга, ҳазрати инсонга нималардан сабоқ беришга улгурди?

— Коронавируснинг бундай "юриши"ни, назаримда, тиббиёт ҳам кутмаганди. Дунё миқёсида бу каби эндемик ҳолат 1918 йилдан буён кузатилмаган. Ўша йили Испан гриппи Европа мамлакатларида кенг тарқалган ва юз миллиондан ортиқ одамнинг ёстигини қуритган. Шундан кейин грипп вируси ва унинг турли хил тилларига қарши самарали эмлама воситалари тиббиётда кенг қўлланилди. Натижада, мазкур вирус жиддий ҳавф сола олмайдиган бўлди.

Вирус нима эми? У Ер юзидидаги энг кичик ҳосилалардан бири. Энг катта вируснинг ўлчами

ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ТАДБИРЛАРИ



УЙҒОҚ СЎЗ ҚАДРИ

Миллий матбуот марказида таниқли шоир ва публицист Саъдулла Ҳаким таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров, Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхожиддин Ҳожиматов, ёзувчи ва шоирлар Саъдулла Ҳакимнинг инсоний фазилатлари, ижодий мероси, бадийи маҳорати ва серқирра фаолияти ҳақида сўз юритдилар.

Шоир Саъдулла Ҳаким яшаб ижод қилган хонадонга хотира барельефи ўрнатилди. Тадбирда Ўзбекистон уюшмаси, Бадий академия, Республика маънавият ва маърифат маркази ходимлари, ижодкорлар ва шоирнинг оила аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси томонидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Адиб яшаб ижод этган уйга ёдгорлик лавҳи ўрнатилди. Унда Ўзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур, ёзувчи ва шоирлар, адибнинг оила аъзолари иштирок этди. Адибнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ хотиралар ёдга олинди.

Ўзувчилар уюшмасида давом этган тадбирда таниқли адабиётшунослар, ёзувчи, шоирлар Мирмуҳсин ижодий мероси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Муҳтарам УЛУҒОВА



ОТАМ ИБРАТИ

Эртақлар айтарди: мардлик, эзгулик Шарҳида завқ билан сўйларди отам. Мисоли сузарди маъни баҳрида. Қаҳрамонлар билан куйларди отам. Дилрабо, чиройли эди лутфлари — Қалбимда шокила чечаклар очган. Сўзлари, кўзлари чақнади қийғос — Мурғак шуурига ҳикматлар сочган. Товушлар қанотли эди наздимда, Хаёллар кўкида учар эдим ҳур. Билмадим, сўзлари юзлариданми... Йўқ, юзи сўзлардан олди эди нур. Дилтортар одати бор эди: гоҳи Кулиб, бош тебратиб, кўзин артарди, Сўнгра хотиранга юлдуздек тақиб, Ривоят, саргузашт ё байт айтарди. Тилида бор эди оҳанрабо, Сухбатлари аро — ширин ташналик. Рўзгор бўстонида онамининг меҳри, Отам гурунлари билан яшардик. Билсам, ўсма, мунчоқ, атласдан олдин — Дилим бўлган экан сўзга маҳлиё. Отамнинг овози нигоҳидаги Чақиндек ёлқинли ростга маҳлиё. Англадим отамнинг сухбатларидан Фурсатнинг учқур ҳам фараҳбахшлигин. Неъматлар ичида калом — бебаҳо, Муҳаббат, ҳарорат ва бахтбахшлигин. Ювиниб, тараниб ушларди китоб, Аллоҳнинг номи-ла ўқишни бошлаб. Отам товушида бўзларди гирён "Анисим, мунисим — онам", деб Машраб. Ёдимдан чиқмас у сирли кечалар: Қариндошу яқин кўни-қўшни жам, Дарвоза — тамбада. Кўзлар чақнаган, Сандиқдан бир китоб олларди отам. Жим... жи-имлик... ҳар оқшом соғиниб, ёниб — Ҳамма кутар китоб ўқилишини. Улар севиб қолган эди дунёнинг Ягона Отабеги Кумушини. Ёшман, тушунмасдим кўзларда лим-лим — Хавотир, ҳаяжон нимаданлигин. "Кумуш... Кумуш!" — сўзлар, кўзлар жолали, Англамасдим, мен ҳам йиғлардим лекин. Қўллари меҳнатда чоғда ҳам отам Сўзлари бол эди: "Муродинга ет. Муҳаббатсиз киши одам эмасдир, Гар одамсан — муҳаббат ихтиёр эт!" Билмасдик нелигин олмос, лаъл, лекин — Сўзлар нур мавжидан қалблар қаҳқашон. Отам вакил экан ажодларимдан, Ундан мерос тилим — энг олий нишон. Отам... олтиш учда фано юртига — Йўллари бурилди... ўсмир ёш эдим... Тиксам, тикиб бердим уч-тўртта дўппи, Бошқа нима қилдим, нима ҳам дедим?! Раҳматга фарқ этсин! Қиблагўҳимга — Ҳизмату иззатим қолди-ку армон. Сўзни севмоқ, англаб тингламоқ, айтмоқ — Дарсининг ўзига минг-минг эҳтиром! Мақомлар, маъволар, кўнгиллар, жонлар — Сўздан обод, барбод бўлганим кўрдим. Ўз тилин туғ этган абад шонлилар, Ўз тилин ўлдириб... ўлганим кўрдим. Тилини йўқотиб, чулдираб охир Қуриган жилғадек сўнганлар қанча. Қўли узунларга кесдириб тилин, Миллатин номини кўмганлар қанча... Ҳашамсиз уй, танча, нон-чой устида Узай деб Ҳақу халқ олдида қарзин, Отам ўтган экан тилдан етгучи — Эзгулик, донолик, шараф, ор дарсин. Отамдан бизга на ҳашамдор чорбоғ, На зебу зийнат, на мол-давлат қолди. Ҳаётга, инсонга, юртга, ўзбаки — Саодатманд тилга садоқат қолди. Ганжиналар сочар туркий тилимининг Хазиналар қатин очганим сайин. Дерлар "Ҳақиқатлар нисбийдир", бироқ — Турмушда бу ҳикмат ҳукмидир тайин: Она тилим теран илдизларимдан Эзгу тилак, дуо йўллаб туради, Улуғ ниётларни "Қутадуғ билиг", "Ҳайрат-ул аброр"лар қўллаб туради. Ажаб, тиллар бари гўзал-у... фақат "Ота", "Она" десам кўксим дарёдир. Еру кўк шуълавор "Муҳаббат" десам, "Ватан" десам борлиқ шоир — гўёдир!... Ногоҳ азиз сиймо қалб ойнасида — Жилмайиб дер дилбар моқомлариди: "Тупроқ, сув, куёшдек она туркий тил — Ҳаёт мағзинг ота маконларингда". Теграмда — сўз мулкин султон тоғлари, Менга сўз ҳақда сўз демоққа не ҳад? Илло, ўзимган авлодларимга — Косиб отажоним ҳам экан ибрат.

ШОИРЛИКНИНГ ҚАТТИҚ НОНИ

— Шоирликнинг нони қаттиқ бўлади, — дердилар Абдулла ака. — Осон ном, осон шон қозонаман деб хомтама бўлманларки, адабиёт, шеърят деган муқаддас даргоҳ буни асло кўтармайди. Шунинг эсдан чиқарманлар... Ёш ижодкорларга қарата айтилган бу ўғитлар, табиийки, шоирликнинг ранжу меҳнати, азобу машаққатлари ҳақида устознинг кескин оғохлантириши эди. Яъни, шоирлик худди ҳаёт ва мамот янглиғ қисмат деб қабул қилиниши, умрий тақдирга айланмоғи шарт ва зарур. Абдулла аканинг яқин дўсти ва маслаҳатчи, рус шеърятининг жаҳоншумул намояндаси Андрей Вознесенский ҳам шунга ўхшаш хулосани алоҳида баён этади: "Шоирлик — фидоликдир, қурбонликдир шеърят". Алалхусус, мен сизга таништирмоқчи бўлаётганим шоир инимиз — ёш бола эмас, ҳаётнинг аччиқ-чучугини, айниқса, шоирликнинг қаттиқ нонини аллақачон обдон татиб-камириб кўрган, бунинг нималигини бошидан ўтқариб-ўтқараётган, энг муҳими ҳаёту одамзод ҳақида ўз хулосаларига эга камтар ва хоскор, камгал ҳам камсуқум, уй ва андишали бир йигит. Йигитки, қирқ йилда қирчиллама бўлган, айни ҳолатда қирқ уч ёшнинг нари-берисида турган бир шоир — яхши шоир, тоза ва дардли шоир. Қадим Сурхон воҳасининг кўна Денов, яъни Деҳи нав, Янги қишлоқ туманида туғилиб, вояга етган. Шу элда таъ-

лим-тарбия олиб, "Алломиш"ни ўқиган, қалбини ҳам тарбиялаб борган. Бақтрия, Чағонийн, Холчаён, Долварзинтепа сингари қадим номлардан ҳайратланиб Термизий боболарига юкинганча ҳадис ўрганган. "Чағонийн" газетасида муҳбир бўлиб, мард ва танги элнинг кўркем шоиру адиблари Зойир Мамажон, Менгзий Сафаров, Шуккур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Эркин Ўззам, Шафоат Раҳматуллоҳ, Усмон Азим, Мирзо Кенжабек сингари устозлар ижодига меҳри — не ажабки, уни ҳам Сўзга, Сўз ёзишга, Сўзга мардикорликка ўргатди. Сўз ёзишга ўргатиптию, камгал-камсуқан қилиб қўйибди. Буни қарангки, мана энди, азиз ўқувчи, қаршингизда Шухрат Азиз деган аллақачон шаклланиб бўлган, дупла-дуруст шоир юкинибгина турибди. Нима дейсиз, қандоқ қабул қиласиз — бу Сизга, Сизнинг ҳукмингизга ҳавола. Шу ўринда шоир укамизнинг мени ҳайратлантирган, менга мана шу сўзларни қозога туширишга ундаган шеърларидан бир-икки иктибослар келтиришга изн бергайсиз. Ташбеҳнинг гўзал ва дард-чиллигини кўринг: **Хиноланган кокилини яғонамининг, Сурхон эди, бошқа дарё қилиб қўйдим. Телбалигим билан, гулим, мен онамининг Сочларини қашқа дарё қилиб қўйдим.** *Изоҳга ўрин бўлмаса кўрақ. Ёки ёруғ дунё ва одамзод туни ҳақида*

гапираркан, "Ой шундоқ манглайга осиб қўйилган — Одам Атомизининг эски чориги" дейди шоир. Ва бу икки сатрга шеърнинг зиммасига олам ва одамнинг заволлио камоли ҳақида нечоғли залворли юк ортилганини юрак-юракдан илғайсиз. Отлар ҳақида, отларнинг хислат ва фазилатлари, сезги ва сезимлари хусусида кўп ва ҳуб ёзилган. "Шом. Чинор панжалари" шеърдан олинган яна бир мисолга эътибор беринг: "Тинглари эмиш марҳумлар оҳини шом чоғлари, Дуога қўл кўтарган отларнинг қулоқлари". Маълумки, отлар тикка, тик турган ҳолда ухлайди. Элда отлар кечаси билан ўз эгаларининг дуоини жонини қилиб ухламай чиқади деган нақл бор... Шоирнинг "Бу дунёда ҳеч ким отасидан улуғ, Онасидан азиз бўлолмас зинҳор" деган сатрлари — унинг қалб эътирофи, ҳаёту тирикчилигининг, шоирлик қисматининг юксак хулосаси. Мен уйлайманки, қалбнинг туб-тубидан силқиб, порлаб чиққан бундай сатрларда Ота юрт, Она Ватан сингари юксак туйғулар билан бир қаторда элпарварлик, ватанпарварлик каби олижаноб ҳиссиётлар ҳам сингирилганки, шундай баланд лаҳзаларда шоирликнинг нони ниҳоятда тотли ва лаззатли бўлишини улуғ устозларимиз кўп бор эътироф этишган. Шоир Шухрат Азизнинг юксак сўз йулида — шоирлик қисматининг оғир ва сермашаққат коргоҳида тортадиган заҳматлари хайрли бўлсин.

Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

ҚУЁШНИ БОШИГА КЎТАРГАН ДИЁР

ДЎППИЛИ ҚИЗ

Шайдоликда ой олдимга тушолмайди, Кипригидан поёндозлар тўшалгайдир. Юртим, сенинг гўзаллигинг қаршисида, Гўзалликнинг ўзи ҳам ип эшолмайди.

Сўйлар қаддинг харитаси сирларимни, Эслатар у хилчабелли дилбаримни. Завқим тошиб, ақлим шошар, ой ўрнидан Бўйганингга ташласам кўз қирларимни.

Дўппи кийган қиздай дилга солсанг гулув, Ичар сенинг бошингдан гул ўгириб сув, Икки ўрим сочи — икки дарё бўлиб, Эй белига тушган юрт, сен бунча сулув!

Дилим яйрар ҳар баҳор гулбадан бўлсанг, Ўлай сенга, шундай гўзал ватан бўлсанг. Мўрчамиён малагим ип эшар қандай, Сен унданам сулувроқ бир санам бўлсанг.

Ой ўрнига қўйиб кўрдим ўзимни мен, Энди сенга бериб турай кўзимни мен. Ҳаддан зиёд чиройлисан, ишонмасанг, Менинг кўзим билан кўргин ўзингни сен.

ЭНГ БАЛАНД РУТБА

Бу дунёда ҳеч ким отасидан улуғ, Онасидан азиз бўлолмас зинҳор. Сен онанг гардига арзимассан, йўқ, Мен отам чангича эмасман, дилдор.

Бўлсам ҳам дунёнинг томидан баланд Ўз қибламдан баланд зотман демасман. Сен — она, мен — ота бўлганим билан, Сен — онанг, мен эса, отам эмасман.

"Ҳаётим", "жоним" деб эрқалаганим Кўксимда юрган отча бўлолмас. Икки дунёдаям, жонгинам, ҳеч ким Ўзини яратган зотча бўлолмас.

ШАҒҚАТСИЗ МЕҲР

Кипригимга кўнган гард учун раҳмат, Кўксимга тушган чўнг зарб учун раҳмат. Дард берар эмишсан кимники севсанг, Севганинг, шу ширин дард учун раҳмат.

Биламан, бўлишдинг бўлмайдиганга, Ўхшайман яраси битмайдиганга. Раҳминг келганидан қиласан қаҳр, Мендек ўз фойдасин билмайдиганга.

Шағқатсиз меҳринг, ёр, мен учун дори, Ўзим ўлай сенга, кўнглим дилбари. Бугун сен дард бериб полаганинг-чун Кўтариб турибди мени Ер шарни.

XX АСР СЎНГИДА

1999 йил. Тошкент

Йигирманчи аср сўнгида Дунё, менга қисматинг аён. Сен турибсан кўзим ўнгида "Икки икс" бўлиб намоён. Қолди, мана, асрим ҳам қариб, Айт-чи қочиб борурсан қаён? "Икки икс" калтак кўтариб, Бўсаганда турса ёнма-ён?

КЕЛИНЧАК БАҲОР

Қуёшдай қалбимдан чиқиб зор куйди, Ёқасин чок айлаб гул бедор куйди.

Боз кўксимга бош қўйиши гўмондай Лоладай қизариб гўзал ёр куйди.

Дилимни куйдирган ишқ ёсумандай, Кўёшнинг ҳажрида ой бекор куйди.

Ой эмас, ўроқман — ранги сомондай, Оловга бош эгиб метин ор куйди.

Золим деб нечун мен ёрни ёмонлай, Наврўзда қор тушиб гулбахор куйди.

Тоғ бағрига тушган қуноқ тумандай Баҳор келин бўлиб тушди, қор куйди.

ШИРИНЛАРНИНГ ШИРИНИ

Мен қуйишни билмайман. Ой эса билар, Кесақданам ўт чиқибди, деса бўлар. Ширинларнинг ширинисан, гўзалим-ей, Чиройингга нон ботириб еса бўлар...

Нақ бир коса қаймоқдай юз балқиб турар, Соям сувда мастдек қалқиб-қалқиб турар. Ой боқайди булутларнинг орасидан, Кўздек унинг ости салқиб-салқиб турар.

Уял дейсан тонгдаям сен юргани маст, От белини бунди эгар... юганимас. Ўтинаман ишқ ўтида ёндир яна, Илтмос бу, мажбурият деганимас.

Сен кўз кўрган на ўнгим, на тушимдайсан, На ҳуснин сув қилиб ичган кишимдайсан. Юрагининг тепкисини кўтаролмай Тоғ титради, бу қандай тоғ тушунмайсан.

Кўрсам юзинг офтобини бўш келмайман, Бир қултум май билан уни нўш қилгайман. Сенсиз Каъба гап атторнинг дўқонидай, Висолингсиз жаннатданам хўш бўлгайман.

КЎККА БОҚСАМ...

Кўёшдай қип-қизариб юз тутсам мен заволга, Тун қўйнида кўринмас оҳимдай гўзал тоғлар. Боғларни энг ичида эрқалаган шамолдан Ўзини опқочади қора кўз қизғалдоғлар.

Юрагини ўйнатиб келиш учун олган сой Дилдаги ишқ ўтини ҳаддидан оширади. Кўкка боқсам негадир ич-этини еган ой, Соя тушган юзининг ярмини яширади.

Сен кўкка бош урасан: "Ҳилолдай қадди нунман, Қиёмат кўёшидай сен терс чиққан дунёда. Навони Масих этган нағмангдан мен Мажнунман, Аминманки, мақоминг баланд ҳаддан зиёда".

Қачон шу кун келар деб ой ич-этин егандай, Мен ҳам ойдай емрилиб ўз баҳримдан ўтарман. "Кимсан?" десалар, Мажнун: "Мен Лайлиман!" дегандай, Лайлим, сенинг: "Мажнунман!", дейишингни кутарман.

ЎТИНАМАН

Яхшимсиз, яхши қиз? Сал шамолладим, Қизилсувдай сочингизнинг сиёғлари.

Ёмон кўрдим, юрак қаттиқ қимиллади, Тўполондан ошиб тушди бўёғлари.

Қарши эмас кўзим сизни кўрганига, Яшаса ҳам олишиб ўз-ўзи билан. Тонг панжаси елкасида турганига Амин бўлсин осмон ҳам ўз кўзи билан.

Пешонамга ўз ҳукмини битган хаттот, Мен қуёшни кўтарган муз ҳайкалдайман. Ортиқ сизни "жоним" дейиш гуноҳ, Ҳатто Ичимдаям севишимни айтолмайман.

Боботоғдай айбим оғир. Ички овоз Сел қилади: "Даргойи кенг паноҳим бор. Кўз ёшимга минг таҳорат қилиб, номоз Ўқисам ҳам ювиб бўлмас гуноҳим бор".

Хиноланган кокилини яғонамининг, Сурхон эди, бошқа дарё қилиб қўйдим. Телбалигим билан, гулим, мен онамининг Сочларини қашқа дарё қилиб қўйдим.

Куйдирмасин десангиз гар дўзах ўти, Баҳор бўлиб қишларимга кирманг энди. Ёниш... Совиш... Нима бўлса, бари ўтди, Ўтинаман, тушларимга кирманг энди.

ШОМ. ЧИНОР ПАНЖАЛАРИ

Кузак қучган боғларда, заъфарон чорбоғларда, Бобом умридай узун ҳасрат бор чордоғларда. Рақс тушади ажина шамолдай ишқ олови Ногаҳон пайдо бўлиб, кўнгилдаги доғларда.

Ўз юкин кўтаролмай дарахти синиб кетган, Хурмолар шомаралаш барларга сингиб кетган. Оҳ, эски жароҳати занглаган, ўнгиб кетган Олманинг ол яноғи қирмизи дудоқларда.

Ўмганини дорларга осиб олган тоқларим, Икки бош узумини билмай қандай сақларин, Ёрдам қўлини чўзган наъматакнинг шоҳларин, Барги билан шапатлаб, толдими буттоғларда?

Қайда қолди лоладай қип-қизил қулоқчалар? Тилкалади бағримни киприги пичоқчалар. Шохи чиқса ўзича эчкидир улоқчалар, Ариллаган йўлбарс йўқ наҳот, бобо, тоғларда?

Тинглари эмиш марҳумлар оҳини шом чоғлари, Дуога қўл кўтарган отларнинг қулоқлари. Ой юзига фотиҳа тортиб кекса одамнинг Панжасидай қоқсуяк чинорнинг япроқлари.

ОЧИҚОНА ИЗҲОР

Одамлар, одамлар! Илоё ўлманг, Бор бўлинг. Қадаҳдай тўқилманг, тўлманг. Мен қуйган оташин ҳасратда қуйманг, Мен Сизни ўлғудай яхши кўраман.

Ишқ ўти қасддан ё журтага эмас, То абад, бугун ё эртага эмас. Севги бу дунёнинг эртаги эмас, Мен Сизни ўлғудай яхши кўраман.

Сиз борки, мен учун бу дунё — мактаб, Орқамдан ёмонлаб, олдимда мактаб. Дуо қилсангиз ҳам ёлғондан алқаб, Мен Сизни ўлғудай яхши кўраман.

Ҳатто завқ беради нодонлигингиз, Жудаям мўрт собитқадамлигингиз, Биламан, маълум-ку одамлигингиз, Мен Сизни ўлғудай яхши кўраман.

УЧУНГАН ЧЎҒЛАР

Ҳеч кимга оғири тушмаган олам Турибди гоҳ ҳазон бўлиб, кўқариб. Лекин ўз бошига ҳар битта одам Юрибди бир олам юкин кўтариб.

Шухрат АЗИЗ



Кўк рўмолчасига офтоб тугилган... Унга қўл чўзгандек шамнинг ёруғи — Ой шундоқ манглайга осиб қўйилган Одам Атомизининг эски чориги.

Қуёшни бошига кўтарган очун Қизишар. Ҳайбати ўзидай буюк: "Мангу юк остида қолса ҳам нечун Олаверар одам юк устига юк?"

Учунган чўғдай тез тортса ҳам хомуш, Иши йўқ ўзини ёқиши билан. Муштдаин бошига бир дунё ташвиш Ортирган ҳар ким ўз хоҳиши билан.

Бўлмаса, нафсининг тенги бир қулча, Ойга оғиз солар топса гар имкон. Ҳайронман, не учун ўзига мунча Кераксиз юк ортиб яшайди инсон?

ПАЙҒАМБАР ОРОЛИ

Устоз хотирасига

Ҳаётда кўрмаган мени юрагим, Умиримда кўрганим йўқ жигаримни. Тушми-ўнг фарқи йўқ, улар бор доим, Хизмати каттадир азизларимни. Шулар қўлламас, жоним панд еса, Билмайман мен қимдан қилишни ўпқа. Сиз менинг жигарим, юрагим эса, Пайғамбар ороли, Менгзий ака.

ГУЛБАДАН ТУПРОҚ

Тупроқ бўлгин, сени олам босиб ўтсин. Хожа Аҳмад ЯССАБИЙ.

Камтарликдан дарс бер менга, Она тупроқ. Хокисорсан, Гарчи бағринг тўла маъдан. Коинотга олиб чиқдинг бизни, Бироқ Дунёга хавф солдинг Атом бўлиб баъзан.

Эй гулбадан тупроқ, Сенга тан беришга Мойил эдим, Қойил, Ишқинг қилди асир. Ер шарини ўз ўқидан чиқаришга Қодир кучни Яширган ҳам сенсан ахир.

Гарчи сендан яралганман, Аслим тупроқ, Гарчи сенга ўхшайдирман Мен ҳам жуда. Кўксим осмон, Сен мендан фарқи ўлароқ Хокисорсан. Буюклигинг эрур шунда.

Хокисорлик — хорлик эмас, Буюк қудрат, Тупроқ бўлсам, Кошки Босиб ўтса олам. Хазинасан, Сенинг бору йўғинг ҳикмат, Тупроқлики ўргат менга, Эй гулбадан.

ХОТИРА



Ўзбекистон халқ шoirи Анвар Обиджон ҳақидаги хотираларимни ёзишни анча вақтдан бери ният қилган бўлсам-да, уни...

— Ёшлик чоғларимда мен гоҳо туни билан шеър ёзиб чиқардим. — деганди устоз бир суҳбатда. — Узи бор-йўғи саккиз қатор...

— Гулмат — сатирик қаҳрамоним туфайли уч-тўртта олим мендан хафга бўлиб қолгани рости...

биётшунос олимлардан бири: “Ҳа, энди, бири-да... “Менга ўша қўлёмани бериб туринг”...

ЁДДА ҚОЛГАН СУҲБАТЛАР

“Ҳой, қурмагурлар, ҳазиллашдим”, дедим. Командир олим: “Қанақа шoirисиз?!

Буниси нашриёт ҳовлисидаги бўлган суҳбатдан. — Ҳа, Анвар ака! Тинчликми? Жуда қиммат, импортний сирет чекякисиз? Ё...

— Уғлим энди билган бўлса, мен нима қилай. Ҳамма айб онаси-да. — Ҳамма айб онасида бўлса, нега уйланганисиз?

Ўтиб турган шoirига ким ҳам тегарди. — Адабиёт майдонидан сизнинг этагингиздан ушлаган болаларнинг биз борми, ишқилиб...

Устозлари ҳақида айтганлари. — Яқинда Олтиариқда Эркин Воҳидов

уй-музейида бўлдим. Роса бошлашди, азаматлар. — Нимани? — Расмини-да! Эркин ака билан тушган расмингизни айтаяпман...

айтайми? Албатта, текинга. Мана, эшитинг. Шу десангиз бир кун устоз Эркин ака уйига телефон қилиб қолди-да:

Энди бўлмади. — Яқши, яқши, шунақа ёзаверсангиз, яқин орада катта шoir бўб кетасиз.

— Ростданими?! — Бўлмаса-чи! Мана, мен шoirдингиз — Анвар Обиджон қафил! Устоз яираб қулди.

Баҳром АКБАРОВ, “Ўзбекистон” нашриёти бўлими мудири

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Нега инсоният ҳали-ҳануз микроблар ва вируслар устидан тўлиқ галаба қозона олмапти? Буюқ Британияда 1881 йил 8 августда таваллуд топан йирик олим Александр Флеминг 1920 йилда пенициллинни кашф қилганидан кейин...

ВАТАНПАРВАРЛИК СОҒЛОМ

— Тўлиқ даволанмаса, COVID-19дан қандай асоратлар қолиши мумкин.

— COVID-19 касаллигининг тусин пайдо бўладиган белгилар хилма-хил, улар инсон организмидан иммун кучларининг хусусиятига кўра ҳар хил тарзда намоён бўлади. Бу хасталик организм илгари қандай касалликларга қарши бўлган бўлса, уларни кўзғатиб юборади.

— Ўтмишда миллий тарбиямиз таркибидатиббий тарбия, саломатлик тарбияси ҳам бўлганми? Бўлган бўлса, қандай кўринишда эди? Ҳозир-чи?

— Тарбия, айниқса, ёшларга мардлик, жанговарлик руҳини синдириш туркийлар ҳаётида фоят муҳим вазифа бўлган. Бу эса саломатлик тарбиясига муҳим эътибор қаратишни тақозо этган.

XX аср октябр инқилобига халқимизда саломатлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратирилган. Ҳатто шўролар даврида ҳам, барча таъилқиларга қарамасдан, саломатлик тарбияси қонун-қондаларидан четга чиқилмаган.

— Биламиз, саломатлик соғлом оиладан бошланади. Фарзандларини соғлом қилиб ўстиришни хоҳлаган ота-она оилада аввало нима-ларга эътибор бериши керак?

— Саломатлик — олий неъмат, дейилади. Саломатлик бўлмаса, энг яқши овқат татимайди, энг пўрим уст-бош ярашмайтандек туюлади.

Болага дафтар бering, у чизган ажи-бужи чиқиқлар аста-секин аллақандай маъно касб этади, кейинчалик ҳарфларни ёзади. Жисмоний машқлар оддийдан мураккаблаштириб борилса, тана соғлиги мустаҳкамланади.

Оилада ота-оналар ўртасидаги ҳар хил бақир-чақирлар, уриш-жанжаллар, спиртли ичимликлар, нолайқ қилиқлар, баъзан аёлниқ аччиқ кесатик гаплари, шубҳасиз, бола тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатади.

— Соғлом турмуш тарзи нима, нима учун керак ва бизнинг шошқин ҳаётимизда унга қандай қилиб риоя қилиш мумкин?

— Соғлом турмуш тарзи деганда, энг аввало, уч сифат қард тугилган. Биринчи — соғлиқни сақлаш, иккинчи — касалликнинг олдини олиш, учинчи — организмни чинқитириш, мустаҳкамлаш.

Турри овқатланиши, аввало, организмни қувватлантирадиган озиқ-овқатларни истеъмол қилишидир. Бунда организмнинг ички мувозанати, шакланган қондалари, кўп йиллик мезон ва меъьрга алоҳида эътибор бериш тақозо этилади.

Биринчидан, овқатлар хилма-хил бўлиши, унда ҳам наботот, ҳам ҳайвонот олами озуқа моддалари бўлиши лозим. Иккинчидан, овқат организмни энергия билан етарлича таъминлаши, оз ҳам, кўп ҳам бўлмаслиқи керак. Бунда кишининг касби, вази, ички аъзолари ҳолати ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Спорт — тананинг ички ва ташқи мувозанатини меъьрда сақлаш гарови. Спортнинг асоси — ҳаракат, ҳаракат — ҳаёт, ҳаракат — узоқ умр кўриш асоси.

Кунига саккиз соатдан кам ухламаслик соғлиқни мустаҳкамлайди. Уйку учун қулай ва тинч жой танлашни лозим.

Саломатлик учун шахсий гигиенага амал қилиш, хусусан, терини тоза тутиш муҳим, шунда организм ҳар хил касаллик қақирувчи микроб ва паразитлардан халос бўлади.

Тоза ҳаво организмни яшартиради, бақувват қилади. Ибн Сино бобомиз: “Агар ҳавода чанг зарралари бўлмақанда инсон минг йил яшар эди” деганлар.

Кўёш нурларида тобланиш саломатликни меъьрда сақлашнинг бир йўли. Лекин кўёш нурларидан баҳраманд бўлаётганда тери қуйишига йўл қўймаг.

Қумлоқда, майсозорда, тупроқ ерда ялангоёқ юриш қони фойда. Маълумки, оёқнинг орқа юза терисидан организм ички аъзоларининг рефлексор нуқталари мавжуд.

Тамаки чекши, спиртли ва ўткир ичимликларга ружу қўйиш, гийҳванд моддаларни истеъмол қилиш ортидан келадиган даҳшатни баён

қилиш ортиқча, чунки бу мавзуда маълумотлар кўп. — Одамзот миллион йиллардан буйён яшаб келади ва албатта озиқланади, овқатланади. Лекин ҳеч қачон соғлом овқатланиш масаласи бўғунгидек ўткир бўлиб қун тартибига чиқмаган.

— Инсониятнинг онги юксалгани сари озиқ-овқатга бўлган талаби ҳам ортаверди. Илгари топилгани еган бўлса, кейин танлашга ўтди. Илм-фан ривожланди, инсон организми жадал ўрганилди.

Тоза ҳаво организмни яшартиради, бақувват қилади. Ибн Сино бобомиз: “Агар ҳавода чанг зарралари бўлмақанда инсон минг йил яшар эди” деганлар. Ўзингиз синаб кўринг: тинч ҳолатда шахарда бир дақиқада неча марта нафас оласизу, баҳаво тоғда, ям-яшил қир-адирда неча марта нафас оласиз? Организм тоза кислород билан қанчалик кўп таъминланса, ички аъзолар шунчалик зўриқмай, енгил ишлайди.

Ҳомилдор аёл нега жерик (бошқоронғи) бўлади? Сабаби оддий: ҳомиланинг организм шу таом таркибидоғида моқдага муҳтож. Агар ҳомилага шу моқда керакли ва етарли миқдорда етказилса, у соғ-саломат дунёга келади.

Агар шу имкониятлар бўлса, жуда яқши, мабодо бўлмаса, организмга эркинлик бериш керак. Уч оқ қолгани ё тўйганини, қандай овқатга муҳтожлигини билидирди. Сиз бу табиийликни бузмасангиз, организм сизнинг ҳаюватингизни бузмайди.

Галерея: Шаниқли rassom Иброҳим Валихўжаев ижодидан намуналар



Лолалар (2006).



Чорсу базори (2003).



Икковлон (1991).

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

ТОЛЕГА БИТГАНИ

Туйқус нохуш ҳолатлар билмадим келар қайдин,
Кўнгил таскин топганда юрак ҳам бўлар ойдин,
Билиб-билмай алхусус қилган иш нур, чиройдин,
Баски, зарур шу ҳолат қайтма йўлингдан бажар,
Яхшиликка ўзгариш бўлса ҳаётда агар.

Шукрона қил ҳар нафас яратганга минг бора.
Билсанг дунё тор қафас ўзи бермаса чора.
Тананга ўйла бир пас фикринг қилма овора.
Фойдаси йўқдир билсанг, қанча йиғма сийму зар,
Толеинга битгани, ахир, шу бўлса агар.

Ўзгартирмоқ истасанг, тақдирнинг ёзиғини,
Интил кўпайтирмоққа савобнинг озиғини.
Ўзгаришиш ўзидан гар маъқул чизиғини,
Оқилона иш тутсанг, йўлинг очиқ ҳар сафар,
Яратгандан ҳидоят, боиси шундай яшар.

Худого хуш келмаган ишингандур ранж, алам,
Бу қайтар дунё билсанг, ҳаққа ҳақ бор чинданам.
Турди Ҳайдар эл дардин ёз деб тутқазди қалам.
Қилган эзгу ишингга бир кун эзгулик қайтар,
Толейинга битгани, ахир, шу бўлса агар.

СЕНИ ЙЎҚЛАБ ТУРСА ОДАМЛАР

Борлигини ҳис этса олам,
Унутмаса бир лаҳза, бир дам,
Катта бахтдир шу ҳам, азизам,
Сени йўқлаб турса одамлар!

Уриб турса муштдек юрагинг,
Кимларгадир бўлса керагинг,
Давраларда излаб дарагинг,
Сени йўқлаб турса одамлар!

Кетсанг сўрамайдилар молинг,
Кимларгадир ёқсин аъмолинг,
Яшнар руҳинг, яшнар жамолинг,
Сени йўқлаб турса одамлар!

Яхшилик қил, чиқар яхши от,
Сен-ла, битта ғариб бўлсин шод,
Олдиндамас, ортдан қилиб ёд,
Сени йўқлаб турса одамлар!

Текканида ёстиқ узра бош,
Кўз эшикка, мужгонингда ёш,
Эҳ, кўнглинг бўш, бергинда бардош,
Сени йўқлаб турса одамлар!

Сен эртани ўйлагин бугун,
Сўзим қалба бўлмасин тугун,
Ҳаётдан кўз юмасан мамнун,
Сени йўқлаб турса одамлар!

Турди, умринг билмам кўпми, оз,
Катта-кичик йўқласа гар – соз,
Фақат топдим деган эъзоз,
Сени йўқлаб турса одамлар!

Турди ҲАЙДАР

«МУШТУМ» ҲАЁТГА ҚАЙТДИ

Маълум сабабларга кўра қарийб бир асрлик тарихга эга бўлган «Муштум» журнали чоп этилмади қолган эди. Ўз вақтида «Муштум» бир ойда икки марта чоп этилган, умумий адади 1 500 000 дан ошиқни ташкил этган. Ўзбекистонда бу журнал кириб бормаган шаҳар, қишлоқ, туманни, ташкилот ва хонадонни топиш қийин бўлган.



воситалари ходимлари, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети вакиллари ҳамда Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раиси Олимжон Ҳасанов ҳажвий, танқидий, кўнгличар журнал сифатида кўпларнинг эътирофига сазовор бўлган «Муштум» нашри миллий медиа маконимизда ўз ўрнига эгаллиги, журналист кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда, соҳадаги тадқиқотларни ёритишда энг муҳим манбага айланиши ҳақида гапирар экан, йиғилганларни яна ҳаётга қайтган бу журнал билан яқиндан ҳамкорлик қилишга қаҳқирди.

Кейинги йилларда журнал тахририяти иқтисодий муаммолар гирдобига тушиб қолди. Унинг моддий-техник базаси, кадрлар сони-салмоғи замонавий талаблар даражасида қайта шакллантирилмади. Оқибатда 2017 йилга келиб ягона ҳажв журнали «Муштум» атиги 1000 донга атрофида чоп этилгани маълум.

Яқинда сеvimли журнал қайта тикланди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Муштум»нинг тақдирот маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мутасаддилари, Оммавий ахборот

2023 йилдан нашр қилина бошлаган «Муштум» журналига тараққийпарвар, халқларвар зиёлилар Абдулла Қодирий ва Ғоzi Юнус асос солган.

Бизлар муродга етдик

Сенсан асал, каймоғим,
Ярашгандир сен билан
Сенинг билан келганман,
Миллатнинг минбардаги юзисан,
Янги Ўзбекистоннинг сўзисан,
«Чала», «Ёлбош», «Халол»ни
Сайраб турган хорижлик
Сени ўрганмаганлар
Ўғизу Энасойнинг изисан,
Янги Ўзбекистоннинг сўзисан,
Сени кашшоқ деганинг
Ҳар ер да отарчино
чала машшоқ бўлғайдир,
Ўз тилин йўқотмаган
Ўзига шох бўлғайдир,
Тананинг сўнги охи,
бўзисан, она тилим,
Янги Ўзбекистоннинг сўзисан, она тилим.
Навойини ёд этдик, сўз боғин обод этдик,
Боболар улуғлаган мунаввар
йўлдан кетдик,
Пешонамиз ярқираб
бизлар муродга етдик,
Мен топган хазинанинг ўзисан,
Янги Ўзбекистоннинг сўзисан,
она тилим,
Ашурали БОЙМУРОД



«ЁШ МУНАҚҚИДЛАР КЛУБИ» ИШ БОШЛАДИ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида «Ёш мунаққидлар клуби» фаолият бошлади.

Клуб «Учинчи Ренессансинг адабий-эстетик пойдеворини яратамиз» шiori остида фаолият юритади. Унинг мақсади адабий жарафни фаол кузатиб бориш асносида янги бадиий асарларни назарий жиҳатдан таҳлил қила оладиган ёш мунаққидларни тайёрлашдан иборат.

— Ёш мунаққидларни тайёрлаш госяи адабиётимиз учун катта эҳтиёж бўлаётгани анчадан бери мулоҳаза қилиб келинар эди, — дейди клуб раҳбари, филология фанлари доктори Сувон Мели. — Бу фикрни Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети раҳбарияти қўллаб-қувватлади.

Университетнинг ўзбек филологияси факультетида янги ташкил этилган «Жаҳон адабиёти ва универсал адабиётшунослик» кафедраси қошида ёш тадқиқотчилар, докторант, магистрант ва талабалар, шунингдек, профессор-ўқитувчилар иштирокида машғулотлар клуби машғулотлари бошланди.

Клубнинг дастлабки машғулотлари Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамда Қарши давлат университетининг ёш олим, тадқиқотчи ва талабалари ҳам қатнашди.

Клуб келгусида адабий танқид соҳасида етук мутахассисларни тайёрлашга бел боғлагани билан аҳамиятлидир.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

Эълон

«Муסיкий-назарий фанлар» кафедрасига кафедра мудири (1), «Кўнгличар театри санъати» кафедрасига кафедра мудири (1), «Вокал» кафедрасига доцент (1), «Фольклор ва этнография» кафедрасига доцент (1), «Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият» кафедрасига ўқитувчи (1), «Саҳна нутки» кафедрасига катта ўқитувчи (1), «Муסיқали, драматик театр ва кино актёрлиги санъати» кафедрасига профессор (1), «Эстрада ва оммавий томошалар санъати» кафедрасига доцент (1), «Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати» кафедрасига катта ўқитувчи (1), «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» кафедрасига доцент (1), «Миллий кўшиқчилик» кафедрасига профессор (1), «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедрасига профессор (1), доцент (1), «Жаҳон тиллари ва адабиёти» кафедрасига катта ўқитувчи (1), «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасига профессор (1), «Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги» кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 "а"-уй.
Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11.

Шавкатли кўнлар

- Маҳфуза Боботиллаева** – 16 октябрь – Ўзбек Миллий академик драма театри актриси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти.
- Мухаммадали Қўшмоқов** – 19 октябрь (1948) – шоир, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
- Шермат Ёрматов** – 17 октябрь (1939) – бастакор, созанда, Ўзбекистон халқ артисти.
- Искандар Раҳмонов** – 20 октябрь (1937) – ёзувчи, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
- Мавсумaxon Мансурова** – 18 октябрь – шоира, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
- Малика Иброҳимова** – 21 октябрь – Ўзбек Миллий академик драма театри актриси, Ўзбекистон халқ артисти.



Ўzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:

akfa

Бош муҳаррир
Салим АШУРОВ

Тахририятга келган қўлзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нўқтаи назаридан фарқлангани мўмкин.

Маъсул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Сазифлаовчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1183. Буюртма Г - 1044.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топшириш вақти - 21.35.

ISSN 2183-634X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42; Санъат бўлими: 233- 56- 40; Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60.